

Хусниддин АХМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази директор
ўринбосари, сиёсий фанлар доктори

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача ёшлар, умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини эса 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Жисмонан соғлом, маънан баркамол, энг замонавий билимлар билан қуролланган, тафаккур дунёси кенг ёшларсиз халқимизнинг келажагини, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мустақкам ўрнини тасаввур этиш қийин.

Айни пайтда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини янги аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш - бу борадаги фаолиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

таъкидлаганидек, “Маълумки ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

“Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”¹.

Шунинг учун ҳам, тараққиётнинг янги босқичида мазкур йўналишда ёшларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳаётда мустақкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда, бугунги ислохотлар шиддат билан бораётган бир шароитда ёшларимизнинг юртимизда ва дунёда

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019. –Б.504-505.

рўй бераётган сиёсий жараёнлар масаласида ҳар доимгидан кўпроқ маълумотларга эга бўлиши, уларнинг маънавияти, маърифати ва маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу жиҳатдан, жамият маънавий ҳаётининг демократлашуви мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига катта таъсир кўрсатиши муҳим эканлигини алоҳида эътиборга олиш зарур ва мақсадга мувофиқдир. Бу жараёндаги асосий вазифалардан бири - ёшларнинг ҳаётга турли хил ёт ғоялар таъсирисиз кириб келишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга оширишларини кафолатлашдан иборат.

Маълумки, ёшлар - жамиятнинг асосий таянчи, аҳолининг илғор қатлами, эртаимзнинг ишончли эгалари ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан қараганда, ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, орзу умидлари, маънавий қиёфасига қараб жамиятнинг эртанги кунини тасаввур этиш мумкин. Мустақилликнинг илк кунларидан, яъни 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёшларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди.

Бу муҳим соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга кўра, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ёшлар

иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси борасида амалга оширилаётган ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ қатор янги ва муҳим вазифалар белгиланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган 30 июнь куни “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамызда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланиб бормоқда. Ушбу ташкилотга ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида тегишли имконият ва имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Сенат аъзоси ҳисобланади.

Бугунги кунда бутун дунёда фан, техника ва технологиянинг тараққий этиши ҳамда оммавийлашуви ёшларнинг кучли босим остида яшашларига сабаб бўлаётганлигини алоҳида эътиборга олиш зарур. Хусусан, интернет, мобил алоқа воситаларининг ривожланаётганлиги ва бу орқали ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатларнинг кучайиб

бораётганлиги кўплаб ёшларнинг маънавий-ахлокий жиҳатдан заифлашувига ўзининг сезиларли даражада таъсирини ўтказмоқда. Интернет тармоқларининг катта қисмини маънавий-ахлокий жиҳатдан ўта жирканч, ёвузлик ва разилликни тарғиб қилувчи саҳифалар ташкил этаётганлиги ачинарлидир. Биргина кўшиқчилик санъати йўлида яратилаётган баъзи кўшиқ ва олинаётган клипларнинг айримлари маънавий жиҳатдан ўта саёз, енгил-елпи эканлиги, бу эса асосан, оммавий маданият ва ҳаёсиз кўринишдаги иллатларнинг тарғиб қилинишига сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлашимиз жоиздир.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан ёшлар ҳисобланади. Шу билан бирга, айрим давлатларда кўплаб ҳажмдаги фахш жиҳатларни намоён қилувчи интернет сайтлари яратиб қўйилган. Ҳозирда глобал тизим доирасида бузғунчилик, кўпуровчилик мақсадини кўзлайдиган кучларнинг 7000 дан ортиқ веб-саҳифалари ишлаб турибди. Шундай экан, ёшларнинг замонавий маънавий киёфасини ва етук сиёсий маданиятини изчиллик билан такомиллаштириб боришга жамиятда эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригида куйидаги фикрни илгари суради: "...бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, ҳаётига зомин бўлмоқда"².

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: "Ўзбекистон", 2018. –Б.496.

Ушбу жараён таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган педагоглар, мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди, яъни ёшларимизнинг дунёдаги сиёсий жараёнлардан хабардор қилишини масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада ёшларнинг амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, ундан кўзланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш жараёнлари тўғрисида қарашлар ва тасаввурларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятдаги кўплаб муаммолар таҳлили миллий ўзликни англаш масаласига етарли даражада эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Мустақиллик йилларида бу борада кўплаб ижобий натижалар ва ютуқларга эришилди. Хусусан, кўплаб қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва диний эътиқодимиз тикланди, муқаддас қадамжолар, масжиду мадрасалар, тарихий обидалар қайта таъмирланиб, халқимиз учун муносиб шароитлар яратилди ва бу жараёнлар билан боғлиқ бу каби масалалар бугун ҳарқачонгидан ҳам устуворлик аҳамият касб этмоқда. Одамларимизнинг маънавий-руҳий оламида янгиланиш, покланиш ва туғилиб ўсган заминидан фахрланиш, ғурурланиш ва энг муҳими, Ватанга нисбатан дахлдорлик ҳисси пайдо бўлди. Таълим ва тарбия муассасаларида ёшларнинг онгига қадимий меросимизни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмаслиги масаласи сингдириб борилмоқда. Миллий ўзликни англаш - ўтмиш билан келажакни боғловчи маънавий кўприк вазифасини ўтамоқда.

Бу соҳада бугунги янгиланаётган Ўзбекистоннинг қўлга киритаётган ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия

университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат орасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ёшаримизда – фахр ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Таъкидлаш жоизки, янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Айни пайтда биз, ўз навбатида, ёшлар тарбияси ва маънавий таҳдидлар масаласида тўпланган баъзи муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз: биринчидан, ёшларимизни маънавий янгиланишлар ва ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш лозим; иккинчидан, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг аҳамиятини ёшларимизга тушунтириш лозим; учинчидан, олимлар ва зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини амалга ошириш ҳамда маънавиятнинг куч қудратидан эзгу мақсадлар йўлида ёшларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш зарур; тўртинчидан, таълим-тарбия тизимини доимий такомиллаштириш, эртанги кунимиз билимли, маънавий етук, баркамол авлодга боғлиқ эканлигини чуқур англашга эришиш; бешинчидан, муқаддас ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, ёшларимизни руҳан пок, иймони бутун, иродасини бақувват этиш, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ташвиқот ишларини давом эттириш; олтинчидан, мамлакатимизнинг кўп миллатли

фуқаролари орасида уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ёшлар қалби ва онгида ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик туйғуларини кучайтириш зарур.

Ана шулар билан бирга, таҳлиллар биз яшаётган жамиятнинг айрим қатламлари, баъзи ёшлар онгу шуурида давр билан ҳамоҳанглик масаласида оқсаш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Олимларимиз ўз ўрганишларида менталитетимизга хос бўлган иккита жиҳатни таҳлил этаркан, халқимизда биринчидан, бир пайтнинг ўзида, ҳокимиятга ҳурмат билан бирга, ўзига хос “қўрқув” ҳисси мавжуд; иккинчидан, сиёсий ҳаётга муносабатда қонунга таянишдан кўра, кўпроқ “анъаналар”га таяниш руҳияти устуворроқ” эканлигини эътироф этишган³. Аҳмад Муҳаммад Турсун ўзининг “Тарозининг икки палласи” асарида қўрқув ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Қўрққан одамнинг иродаси суст, шижоати бўш бўлади. У қўрқоқлик орқасидан ёлғон гапириши, сохта гувоҳликка ўтиши, оиласига, халқига, ватанига, динига, эътиқодига хиёнат қилиши, субутсиз ва иродасиз кимсага айланиши мумкин. Бежизга Сулаймон алайҳиссалом “Қўрқувни ҳис этмайин десанг, жудаям ҳақиқатгўй ва ўта донишманд бўлмагин демаганлар”. ...бола отасидан қўрқиб, қаерда, нима билан машғул бўлганини яширади, ёлғон гапирди. Демак, шу кундан унинг тарбиясига раҳна етади. Аёл эрининг зуғумидан қўрқиб, уни алдаша, баҳона ва сабаблар қидиришга ўтади. Демак, шу дамдан бошлаб оилани ишонч, тотувлик, ҳаё тарк этади. Кичик раҳбар катта раҳбардан қўрққани туфайли ўлда-жўлда қолган режани бажарилди, деб маълумот бериб юборади. Демак, ўша корхонанинг иқтисоди зарар кўчасига йўл олди.”⁴

³ Амонов Б. Жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили. Дисс. 2019.

⁴ Турсун, Аҳмад Муҳаммад. Тарозининг икки палласи. –Т.: “Sharq”, 2019. -Б.161-162.

Шу каби тўсиқларнинг мавжудлиги ёшлар онгини шакллантириш, бу борадаги усулларни модернизациялаш жараёнларига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Бугунги кунда жамиятнинг турли қатламларида эскича яшаш ва эскича фикрлаш, турғунликни сақлаш кабилар учрашини кўрамиз. Жамият тараққиётига таъсир кўрсатадиган бу каби нохуш ҳодисалар, салбий иллатлар ёшларга доир давлат сиёсатининг самарадорлиги ва обрўйига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Ёшлар маънавиятига таъсир кўрсатадиган миллий ўзликни англаш омили масаласида жамият илллати бўлган коррупция масаласида ҳам гапиришга тўғри келади. Бу салбий иллат ҳуқуқ-тартибот органларида, соғлиқни сақлаш, молия-иқтисод, солиқ ва банк, энг муҳими таълим тизимларида ҳам мавжудлиги ачинарли ҳолат эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур муаммонинг ечимида хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарур, назаримизда. Масалан, АҚШда репортёр журналист коррупцияга қарши курашда энг самарали жамоат назорати саналади. МДХ давлатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам жамиятдаги жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари чуқур таҳлили ҳақидаги журналист суриштируви саёз ҳолатда бўлиб, давр эҳтиёжидан анча ортда қолмоқда.

Назаримизда, бу масаланинг муҳим эканлигини фарзандларимиз онгига, руҳиятига, аввало, оилада, боғчада, мактабда, олий ўқув юртларида таъмагирлик, порахўрлик жирканч иллат эканлигини, шунингдек жамиятни таназзулга учрашига салбий таъсир қиладиган жиддий хавф эканлиги ҳақида тарбиявий ишларни тизимли равишда ташкил қилишимиз керак. Бугунги кунга келиб, сиёсий ҳаётимизда “парламент назорати”, “жамоатчилик назорати” каби янги қоидалар, тартиблар амалда қўлланила бошланди ва бу билан боғлиқ қонунлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга имзо чеккани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунинг асосида жамиятда бу каби салбий иллатларнинг илдиз отишига қарши жиддий чоралар кўрилмоқда, очиклик ва ошкоралик тамойилига амал қилинмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизда жамиятда адолат асосий тамойил сифатида қўлланилаётганига ишонч туйғуси ортиб боришига ёрдам беради. Айни пайтда бу, ушбу соҳада ҳам эътибор бериш лозим бўлган муҳим масалалар мавжудлиги ва бунинг учун ҳар биримизнинг масъул эканимизни яққол намоён қилади. Бугунги давр ва серқирра жараёнлар, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар, бошқа жабҳалар қатори, ёшларни маънавий тарбияси жараёнига ҳам янги талаблар қўйилиши натижасида, ушбу соҳадаги тизимнинг мунтазам равишда ривожланиб ва мукаммаллашиб бориши муқаррарлигини яна бир бор исботлади. Айни пайтда янада сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашни давр талаблари даражасига кўтариш, ўқув-услугий, маънавий-маърифий ва илмий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ана шу серқирра фаолиятининг асосий мезонига айланиб бормоқда.

Буларнинг барчаси эса, ўз навбатида, ёшлар тарбияси билан машғул бўлган мулозимлар ва хизматчилар олдида ниҳоятда долзарб вазифалар турганлиги ва уларни амалга ошириш борасида барча маърифатчи ва маънавиятчилар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг зиммасига улкан масъулият юкланганидан далолат беради.